ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КАУЗАТИВ МАЪНОНИНГ АКЦИОНАЛ ФЕЪЛЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ

Н. Ҳамидов, В.Воситов

Мақолада каузация ҳодисасининг инглиз ва ўзбек тилларида қўлланилиши қиёсий ўрганилган. Унда каузациянинг моҳияти, уни ифодалаш воситалари ва тилда тутган ўрни ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *каузация, морфологик каузация, синтактик каузация, лексик каузация, ўтимлилик, ўтимсизлик.*

В статье изложена о сущность каузации и способы её выражения в современном английском и узбекском языках. Определяются морфологический, синтаксический и лексический способы выражения каузативности в сравниваемых языках.

Ключевые слова*: каузация, морфологический способ, синтаксический способ, лексический способ, переходность, непереходность*

This article considers the problem of expressing causation in Modern English and Uzbek. Based on the main principles of classifying the means of expressing causation the author promotes morphological, syntactical, lexical and provides each of these principles with examples.

Key words*: causation, morphological causation, syntactical causation, lexical causation, transitivity, intransitivity.*

Каузация универсал тушунча-категориялар туркумига мансуб бўлиб, барча тилларда мавжуд, фақат ифодалаш воситалари билангина улар бир-биридан фарқланиши мумкин.

Каузатив (лот. Causa – “сабаб”, инг. causative – “сабаб”, “туртки”) – гап таркибидаги актант (ҳаракатда иштирок этувчи)лар фаолиятини кучайтирувчи элемент бўлиб, унда мавжуд агенсларга қўшимча агенс қўшилади. Каузатив феъллар (каузатор) иштирок этган гапларда каузатор эга ўрнини эгаллайди, аввалги эганинг эса ушбу вазиятда синтактик моҳияти анча сусаяди. Каузатив конструкцияларда камида иккита вазият мавжуд бўлади: ҳаракатланувчи агенс ва ҳаракат таъсирига учраган актант (пациенс).

Каузациянинг ифодаланиш усуллари турлича бўлиб, улар орасида морфологик восита, аналитик ёхуд синтактик восита, лексик восита кабилар алоҳида кўзга ташланади.

Биз қиёсламоқчи бўлган инглиз ва ўзбек тилларида ҳам ана шу воситаларнинг намоён бўлишини кузатиш мумкин. Ўзбек тилида морфологик воситалар кенг тарқалган бўлиб, улар асосан феълнинг “орттирма нисбат”ни англатувчи “-тир-, -дир-, -ғиз-, -гиз- -моқ“ каби элементлар ёрдамида ифодаланади. (М.: чақир-моқ / чақир-тир-моқ; айт-моқ / айт-тир-моқ каби). Морфологик усул бошқа туркий тилларда ҳам сермаҳсул восита сифатида қўлланилади.

Ҳозирги инглиз тили “қўшимчалар йўқолиб кетган” даврни бошдан кечираётгани боис феъл таркибида каузацияни ифодалайдиган воситаларга эга эмас. Шунинг учун ҳам инглиз тилида каузация тушунчаси аналитик (синтактик) воситалар орқали ифодаланди (М.: to make (cause, force) smb/ do smth. – бирон кишини бирон-бир ҳаракатни содир этишга ундамоқ (мажбур қилмоқ). Бу ўринда ‘to have (get) smb. Do smth конструкциясидан ҳам фойдаланиш мумкин. (I had my car washed – Мен машинамни юв-дир-дим.) Агар “ювмоқ” феъли орқали англашилган ҳаракатни бажарувчи шахс номи эслатилиши лозим бўлса, у ҳолда ‘to get’ феълидан фойдаланиш мумкин.

(М.: *I got Mary to wash my car*. - Мен машинамни Мэрига юв-дир-дим.

He works for me. - У менга ишлаб беради (Мен уни ишлат-тир-аман, ёки *I make him work for me* - Уни мен учун ишлаб беришга мажбур қиламан).

Морфологик ва синтактик каузация воситалари бирикиб, грамматик каузация воситалари тизимини ҳосил қилади ва бу воситалар каузацияни ифодалашнинг лексик воситаларидан фарқ қилади.

Каузациянинг лексик воситалари биз грамматикада “ўтимли” ёки “ўтимсиз” деб ўрганадиган феълларнинг лексик маъносида мужассам бўлади. Кўпгина ўтимли феълларнинг лексик маъноси ўзлари аниқлаб келаётган объект (тўлдирувчи)га маълум даражада таъсир (тазйиқ) ўтказиши билан характерлидир. Бу ҳолатни тилшуносликда лексик каузация дейилади. Бундай каузацияни ифодалаш учун махсус лексик бирликдан фойда-

ланилади (М.: инглиз тилида: rise – raise (кўтарил-моқ (ўз-ўзидан) – кўтармоқ (ниманидир); eat (емоқ (ўзи) – feed (едирмоқ (бировга); lie (ёт-моқ (ўзи) – lay (ёткизмоқ (ким ёки ниманидир)).

Тилда шундай феъл лексемалар ҳам учрайдики, уларда каузатив маъно ҳам, нокаузатив маъно ҳам феълнинг айнан бир шакли орқали ифодаланади. Бундай феълларни "лабил" феъллар деб аташади. Масалан, инглиз тилидаги *open, begin, move* феълларини ҳам «оч-моқ, бошла-моқ, кўч-моқ», ҳам «очил-моқ, бош-лан-моқ, кўч-ир-моқ» маъносида қўллаш мумкин.

I opened the door – Мен эшикни очдим;

The door opened – Эшик оч-ил-ди.

We began our lessons – Биз дарсларимизни бош-ла-дик;

The lessons began – Дарслар бош-лан-ди.

We moved to a new house – Биз янги уйга кўч-дик.

We moved the house – Биз уйимизни бошқа жойга кўч-ир-дик.

Каузация ҳолати фаол ҳаракатни англатувчи феълларда ҳам кузатилади.

Инглиз тилида каузатив маънога эга бўлган ҳаракат феъллари гуруҳининг яққол вақиллари сифатида to cause, to bring, to made, to set, to effect феъллари намоён бўлади. Буларнинг семантик структурасини таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

1. to cause - effect, bring about, make (person) or thing to do or to be done.

2. to bring - cause to come, come with or conveying by carrying, leading, impelling or attracting, cause, result in.

Шуни назарда тутиш лозимки, "to bring" феъли предлогли равишлар ва тўлдирувчилар билан бириккан ҳолда кўплаб бирикмалар яратади ва уларда to bring феъли каузатив маънога эга бўлган вербализатор вазифасини бажаради.

bring into play - cause to operate
bring home to - convict, convince
bring into the world - give birth to
bring about - cause to happen
bring down - cause penalty to
bring low - become low
bring on - cause discussion
bring up - educate
bring under - subdue

3. To make феълининг асосий туб номинатив маъноси қурмоқ, ясамоқдир (construct, rame): ҳосила маъноси эса яратмоқ (compose), тайёрламоқ (prepare). Унинг лексик-семантик вариантлари эса қуйидагилардир:

make $_1$ - cause to exist, bring about.

make $_2$ - result in,

make $_3$ - to cause something to become a habit.

4. to set феълини жуда кучли фунционал юкламага эга бўлган каузатив феъл деб айтиб бўлмайди. Унда фақат 2та каузатив маъно ифодаланади.

Set $_1$ - bring by placing; arranging, impelling or other means into special state;

Set $_2$ - make sit down, to task, cause to work.

Қуйида келтирилаётган жадвалдан ҳаракат феъллари семантик структурасида каузативлик семасининг мавжудлиги ҳақида маълумот олиш мумкин.

	Cause	Bring	Make	Set	Effect
Cause	+	+	+	-	+
Bring	+	+	-	-	-
Make	+	+	+	-	-
Set	-	+	+	+	-
Effect	-	+	-	-	+
Have	+	+	+	+	-
Get	+	+	+	-	+
Insist	+	-	-	-	+
Persuade	+	-	-	+	+
Let	-	+	-	+	+
Force	+	+	+	+	+

Жадвалдан кўриниб турибдики, каузациянинг энг идеал феъли деб фақат to force феълини айтиш мумкин, холос. Маъно кўлами ва фунционал қўлланиш кўлами эътиборга олинадиган бўлса, уларга *to have ва to get* феъллари бироз яқин келиши мумкин.

Қуйидаги мулоҳазаларга эътибор берайлик:

to force (V.T.) 1) use violence to, равиш.
2) constrain compel (person) to do
3) confine forcibly, imprison (person)
4) urge, impose (action, conduct) on person.

to enjoin (V.T.) - 1) impose (action, conduct) on person;
2) issue instruction; command (person) to do

to impel (V.T.) - drive forcibly, force (person) to do
to urge (V.T.) - to propel, to cause to proceed.

to oblige (V.T.) – bind (person) by oath or promise to do.

to empower (V.T.) - authorize, empower (person) to do

to enable (V.T.) – supply (person) with means to do.

to extort (V.T.) – obtain (money, promise) by violence;

to compel (V.T.) - constrain, force (person) to do

Юқорида санаб ўтилган ҳаракат маъноли феъллардан ташқари таркибида "иш-ҳаракат субъектидан объектга томон йўналтирилган каузация" маъносини билдирувчи суффикс ва пре-

фиксга эга бўлган кўплаб ҳаракат феъллари мавжуд. Масалан:

imprison - қамоққа жойламоқ, турмага тиқиб қўймоқ.

endow - доимий даромад билан таъминламоқ.

endue - ҳокимият билан таъминламоқ.

invigorate - куч бермоқ, ғайрат бағишламоқ.

necessiate - мажбурий қилиб қўймоқ, мажбурламоқ, қистамоқ.

sustain - қўлламоқ, куч бермоқ.

reinforce – кучайтирмоқ

enhance – кўпайтирмоқ, кучайтирмоқ.

strenthen – кучайтирмоқ (янада)

Маълумки, ҳозирги инглиз тилида ҳаракат маъносини ифодаловчи махсус аффиксал морфемалар йўқ. Шу сабабли инглиз тилида ҳаракат маъносини ифодалаш учун синтактик конструкциялар қўлланади. Ундан ташқари, бу тилда ўтимсиз феълларнинг ўтимлига ўтиши натижасида ҳам каузатив ҳаракатни ифодалаш мумкин. Синтактик конструкциялар мавҳумлашиш даражасига кўра иккита катта гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ *to have* ва *to get* феъллари воситасида ясалиб, аналитик-морфологик формаларга яқин туради.

Иккинчи гуруҳ эса каузатив ҳаракат маъносини ифодаловчи феълларни ҳаракат маъносини билдирувчи бошқа феълларга қўшиш воситасида ясалади. Бу феъллар ҳозирги инглиз тилида кўп бўлиб, улар қуйидагилардир: *to make, to late, to prevent, to cause, to force, to compel, to ask, to beg, to persuade, to dissuade, to order, to expect, to tell, to want, to wish, to permit, to allow, to enable, to like, to keep, to call, to head, to warn, to recommend, to implore, to appeal, to insist, to get, to advise, to instruct, to invite, to suggest, to request, to forbid, to depress, to urge, to engage, to stimulate. to have* феълининг каузатив ҳаракат маъносини ифодалаши учун унга бошқа феълларнинг турли формалари қўшилади:

a) to have + N + V en. (to have something done)

Бу бирикмани айрим тилшунослар аналитик форма деб атайдилар. Аммо биз бу нуқтаи назарни қабул қила олмаймиз, чунки бу бирикма аналитик формаларнинг барча томондан қабул қилинган критерийлари ва талабларига жавоб бермайди (қаранг:10,11,12). Мисолларни таҳлил қилайлик:

Mr. Swater has decided to have this work done, so you can start on it as soon as you like. (Tressell). The hospital had not him removed. His wife had not somehow eliminated. (Stern.) Your son will fall, and perhaps when you see him at the bottom of the stairs with his head open you'll realize the importance of having it fixed. (Stern) He ought to have it cauterized at once, said Mr. Huxer, especially if it is at all inflamed. (Wells) He would have knifed him if I had not knocked him out just in time. (P. Leslie)

Бу моделга тушган ҳаракат феъллари ҳосил қилган бирикмаларнинг грамматик маъноси ўзбек тилидаги суффикслар воситасида ясалган каузатив маънони билдирувчи феъл формалари ёрдамида таржима қилинади. Масалан: *to have his hair cut short* - сочини калта қирк-тир-моқ.

This was a great trouble to the boy, who, since hearing the story of Samson read out of the Bible at school, had ceased from asking to have his hair cut short, lest he should lose his strength, in consequence. (Tressell)

to have them mended – ямоқ сол-дир-моқ, ямат-моқ.

The poor people to whom. They were given. Couldn't afford to have them mended before using them, and the result was that the books generally began to fall. To pieces. After a few days wear. (Tressell)

Mr. Grinder would have them believed - Уларни Мистер Грайндер ишон-тир-ган бўларди.

If I was you, because, we'd to take the job for next to nothing or Mr. Sweaten, would never have had done it at all.(Tressell)

To have + N + V inf, to have + N + V inf + N. каузатив модели бирор нарсани *қилдирмоқ, қилдиртирмоқ, бажартирмоқ* каби маъноларни билдиради.

I supposed I may have them to dry now? - She said. (Wells)

Мен нарсаларимни қуритиб олишим мумкин бўлса керак - деди у аёл.

I would not have him find me here for the world. (C.Doyle)

Мен ўзимни ҳеч жаҳонда топтириб қўймайман.

Адабиётлар:

1. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика.- Тамбов.: ТГУ, 2000. - 123 с.

2. Бондарко А.В. Грамматическое значение и смысл.- Л., 1978.- 175 с.

3. Булынина М.М. Предикативные отношения при вербализации синтаксических концептов каузированного перемещения (на примере глагола to bring) / М.М. Булынина // Филология и культура: Сборник научных трудов.- Тамбов: ТГУ, 2003.- С. 293-295.

4. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова. // Вопросы языкознания.- М.,1953.- № 5.- С.3-29

5. Проблемы когнитивной семантики. Studia Linguistica XI: Сборник Статей. — СПб.: РГПУ им. А.И. Герцена, 2002. - 291 с.

6. Сильницкий, Г.Г. Семантические и валентностные классы английских каузативных глаголов: Дисс... доктора. филол. наук.- Смоленск, 1974.

7. Miller, G.A. English verbs of motion: A case study in semantics and lexical memory. // Coding Processes in Human Memory / Ed. By A.W. Melton and E. Martin. Washington D.C.: Winston, 1972.

8. Palmer, F.R. A linguistic Study of the English Verb. London, 1965. 191 p.

9. Slobin, D. Two ways to travel: Verbs of Motion in English and Spanish. // Grammatical Constructions. Their Form and Meaning. Clarendon Press. Oxford, 1996. P. 195-219.

10. Бархударов Л.С, Структура простого предложения современного английского языка.- М., 1966.

11. Гухман М.М, Общее языкознание. Формы существования функции, история языка.- М.: Наука, 1964.

12. Жирмунский В.М. Введение в сравнительно-историческое изучение германских языков.- М., 1970.

Андижон давлат университети,
2014 йил 10 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Г.Сатимов)